жабрланувчи Ш.Жамаловни суд мажлисидаги, 2019 йилнинг сентябрь ойида Б.Қирғизов унга номига кредит олиб бериб туриши, кредит қарздорлигини ўзи ўз вақтида тўлаб боришини айтгани учун унинг гапларига ишониб, унга фуқаролик паспортини бергани, Б.Қирғизов кредит хужжатларини тайёрлаганидан сўнг АТБ “Микрокредитбанк” Чортоқ филиалига чақиртиргани ва у ерга бориб, кредит хужжатларига имзо кўйиб бергани, сўнг Б.Қирғизов билан “Боғистон мега агро экспорт” МЧЖдан икки бош қорамолларни олиб, Б.Қирғизовга бериб юборгани, бир йилдан сўнг банк ходимлари келишгани ва шундан сўнг унинг номига 26.800.000 сўм кредит ажратилгани, лекин Б.Қирғизов кредит қарздорлигини тўламай келаётганини билгани, ҳозирга қадар етказилган зарар қопланмагани, судланувчидан унга етказилган моддий зарарни ундириб бериш ҳақидаги кўрсатуви билан;

жабрланувчининг қонуний вакили А.Мирзаакбаровни суд мажлисидаги, жабрланувчи А.Махамадалиев ўғли бўлиши, 2021 йил март ойида Б.Қирғизовни илтимоси билан ўғлини номига кредит олишига рози бўлгани, чунки Б.Қирғизов бирор муаммо бўлмасдан кредит тўловларини тўлаб юришини айтгани, шу сабабли ўғлини фуқаролик паспортини унга бергани, кредит хужжатларини Б.Қирғизовни ўзи тайёрлагани, шундан сўнг ўғлини номига АТБ “Микрокредитбанк” Чортоқ филиалидан куёнчилиликни ривожлантириш бўйича 27.000.000 сўм кредит маблағи ажратилгани, ҳозирги кунга қадар кредит тўлиқ ёпилмагани, шу сабабли кредит маблағини Б.Қирғизовдан ундириб, кредитни сўндиришда ёрдам беришни сўраб берган кўрсатуви билан;

жабрланувчи Р.Исахўжаевни суд мажлисидаги, 2020 йилда танши Б.Қирғизов унга номига кредит олиб бериб туриши, кредит қарздорлигини ўзи ўз вақтида тўлаб боришини айтиб, фуқаролик паспортини олиб кетгани, бир неча кундан сўнг Б.Қирғизов кредит хужжатларини тайёрлаб, АТБ “Микрокредитбанк” Чортоқ филиалига олиб боргани ва у хужжатларга имзо кўйиб бергани, сўнг Б.Қирғизов яшаш хонадонига келиб, иссиқхона қуриб бергани ва банк ходимлари келиб, иссиқхонани расмга олишганидан сўнг Б.Қирғизов ушбу иссиқхонани олиб кетгани, лекин Б.Қирғизов ҳозирга қадар кредитни тўламасдан келгани, ҳозирга қадар етказилган зарар қопланмагани,



судланувчидан унга етказилган моддий зарарни ундириб бериш ҳақидаги кўрсатуви билан;

жабрланувчи З.Қирғизовани суд мажлисидаги, Б.Қирғизов акаси экани, 2019 йилда акаси Б.Қирғизов унга номига кредит олиб бериб туриши, кредит қарздорлигини ўзи ўз вақтида тўлаб боришини айтиб, фуқаролик паспортини олиб кетгани, Б.Қирғизов кредит ҳужжатларни тайёрлаб, АТБ “Микрокредитбанк” Чортоқ филиалига олиб боргани, кредит ҳужжатларига имзо қўйиб бергани, сўнг Б.Қирғизов билан таъминотчи молхонага боришгани, у ерда у 25.488.000 сўмлик икки бош қорамоллар билан расмга тушиб бергани, сўнг Б.Қирғизов ушбу қорамолларни Б.Қирғизов олиб кетгани, лекин Б.Қирғизов ҳозирга қадар кредит қарздорликни тўламай келаётгани, судланувчидан унга етказилган зарарни ундириб бериш ҳақидаги кўрсатуви билан;

жабрланувчи Р.Қанаевани суд мажлисидаги, Б.Қирғизов турмуш ўртоғи экани, Б.Қирғизов “Ҳалол гўшт экспорт импорт” МЧЖ орқали қуёнчилик йўналишида имтиёзли кредит маблағлари ҳисобидан маҳсулот етказиб бериш билан шуғулланиши, Б.Қирғизов 2018 йилнинг сентябрь ойида унинг фуқаролик паспортини олиб, кредит олиши, кредит қарздорлигини ўзи ўз вақтида тўлаб боришини айтгани, бир неча кундан сўнг Б.Қирғизов уни АТБ “Микрокредитбанк” Чортоқ филиалига олиб бориб, кредит ҳужжатларига имзо қўйдиргани, лекин Б.Қирғизовда моддий аҳволи яхши бўлмагани ва унга нисбатан жиноят иши қўзғатилгани сабабли кредит қарздорлигини тўлай олишмагани, банк ходимлари яшаш хонадонига келишганидан сўнггина 2018 йил 2 октябрь куни 14,8 млн. сўм чорвачилик йўналишида имтиёзли кредит маблағлари ажратилиб, “Янгикўрғон Бобур Чорвадори” фермер хўжалиги ҳисоб рақамига ўтказиб берилганини билгани, ҳозирга қадар кредит қарздорлиги тўланмагани, судланувчидан унга етказилган моддий зарарни ундириб бериш ҳақидаги кўрсатуви билан;

жабрланувчи Д.Қирғизовани суд мажлисидаги, Б.Қирғизов қариндоши экани, 2021 йилда Б.Қирғизов унга номига кредит олиб бериб туриши, кредит қарздорлигини ўзи ўз вақтида тўлаб боришини айтиб, фуқаролик паспортини олиб кетгани, Б.Қирғизов кредит ҳужжатларни тайёрлаб, АТБ “Микрокредитбанк” Чортоқ филиалига олиб боргани, кредит ҳужжатларига имзо қўйиб бергани, сўнг Б.Қирғизов билан унинг молхонасига бориб, қорамоллар билан расмга тушиб бергани, сўнг Б.Қирғизов ушбу қорамолларни ўзида олиб қолгани, лекин Б.Қирғизов ҳозирга қадар кредит қарздорликни тўламай келаётгани, судланувчидан унга етказилган зарарни ундириб бериш ҳақидаги кўрсатуви билан;

жабрланувчи С.Ярашевани суд мажлисидаги, 2020 йилда таниши Б.Қирғизов унга номига кредит олиб бериши, кредит қарздорлигини ўзи ўз вақтида тўлашини айтиб, фуқаролик паспортини олиб кетгани, сўнг у уни номига ҳужжатларни тайёрлаб, АТБ “Микрокредитбанк” Чортоқ филиалига олиб боргани ва у ерда тегишли ҳужжатларга имзо қўйиб бергани, сўнг Б.Қирғизов уни ўзини молхонасига олиб бориб, қуёнлар билан расмга



туширтиргани, лекин қуён олмагани, қуёнлар ўша ерда Б.Қирғизовда қолгани, кейинчалик унинг номига АТБ “Микрокредитбанк” Чортоқ филиалидан 24.500.000 сўм кредит ажратилганини билгани, лекин Б.Қирғизов ҳозирга қадар кредит қарздорлигини тўламагани, ҳозирга қадар етказилган зарар қопланмагани, судланувчидан етказилган зарарни ундириб бериш ҳақидаги кўрсатуви билан;

жабрланувчи А.Дехқановни суд мажлисидаги, 2019 йилда Б.Қирғизов унга номига кредит олиб бериши, кредит қарздорлигини ўзи ўз вақтида тўлашини айтиб, фуқаролик паспортини олиб кетгани, сўнг у уни номига ҳужжатларни тайёрлаб, АТБ “Микрокредитбанк” Чортоқ филиалига олиб боргани ва у ерда тегишли ҳужжатларга имзо қўйиб бергани, сўнг Б.Қирғизов уни “The Silk Road Trade” МЧЖга олиб боргани ва асалари уялари билан расмга туширтиргани, лекин асалари олмагани, кейинчалик унинг номига АТБ “Микрокредитбанк” Чортоқ филиали “The Silk Road Trade” МЧЖ орқали 25.544.000 сўм кредит ажратилганини билгани, лекин Б.Қирғизов ҳозирга қадар кредит қарздорлигини тўламагани, ҳозирга қадар етказилган зарар қопланмагани, судланувчидан етказилган зарарни ундириб бериш ҳақидаги кўрсатуви билан;

жабрланувчи Ж.Қобуловани суд мажлисидаги, 2019 йилда Б.Қирғизов унга номига кредит олиб бериши, кредит қарздорлигини ўзи ўз вақтида тўлашини айтиб, фуқаролик паспортини олиб кетгани, сўнг у уни номига ҳужжатларни тайёрлаб, АТБ “Микрокредитбанк” Чортоқ филиалига олиб боргани ва у ерда тегишли ҳужжатларга имзо қўйиб бергани, сўнг Б.Қирғизов уни “Боғистон мега агро экспорт” МЧЖ молхонасига олиб бориб, қорамоллар билан расмга туширтиргани, лекин қорамол олмагани, қорамолларни молхонадан чиққанидан сўнг Б.Қирғизовга бергани, кейинчалик унинг номига АТБ “Микрокредитбанк” Чортоқ филиалидан 27.500.000 сўм кредит ажратилганини билгани, лекин Б.Қирғизов ҳозирга қадар кредит қарздорлигини тўламагани, ҳозирга қадар етказилган зарар қопланмагани, судланувчидан етказилган зарарни ундириб бериш ҳақидаги кўрсатуви билан;

жабрланувчи Д.Боймирзаевни суд мажлисидаги, 2020 йилнинг август ойида Б.Қирғизов унга номига кредит олиб бериши, кредит тўловларини ўзи ўз вақтида тўлашини айтиб, фуқаролик паспортини олиб кетгани, 2-3 кундан сўнг кредит ҳужжатлари тайёр бўлгани ва Б.Қирғизов уни АТБ “Микрокредитбанк” Чортоқ филиалига олиб бориб, кредит ҳужжатларига имзо қўйдиргани, сўнг Б.Қирғизов билан ўзига тегишли молхонага боришгани ва у ерда қуёнлар билан расмга тушиб бергани, лекин қуён олмагани, қуёнлар Б.Қирғизовни ўзида қолгани, лекин бир йилдан сўнг банк ходимлари яшаш хонадонига келишганидан сўнггина АТБ “Микрокредитбанк” Чортоқ филиалидан унинг номига 25.400.000 сўм кредит ажратилиб, “Ҳалол гўшт экспорт” МЧЖ ҳисоб рақамига ўтказилгани, Б.Қирғизов эса кредит қарздорлигини тўламаётганини билгани, ҳозирга қадар етказилган зарар қопланмагани, судланувчидан етказилган зарарни ундириб бериш ҳақидаги кўрсатуви билан;



жабрланувчи Н.Пошшаевани суд мажлисидаги, Б.Қирғизов унга номига кредит олиб бериши, кредит тўловини ўзи ўз вақтида тўлашини айтиб, фуқаролик паспортини олиб кетгани, кредит ҳужжатлари тайёр бўлганидан сўнг Б.Қирғизов уни АТБ “Микрокредитбанк” Чортоқ филиалига олиб бориб, кредит ҳужжатларига имзо қўйдиргани, сўнг “Янгиқўрғон Бобур Чорвадори” МЧЖга бориб, 21.970.000 сўмлик икки бош қорамол билан расмга тушиб бергани, молларни молхонадан чиқишганидан сўнг Б.Қирғизов ўзида олиб қолгани, лекин бир йилдан сўнг банк ходимлари яшаш хонадонига келишганидан сўнг Б.Қирғизова унинг номига ажратилган кредитни тўламай келаётганини билгани, ҳозирга қадар етказилган зарар қопланмагани, судланувчидан етказилган зарарни ундириб бериш ҳақидаги кўрсатуви билан;

жабрланувчи Д.Умаралиевани суд мажлисидаги, Б.Қирғизов унинг турмуш ўртоғи Ф.Умаралиевга унинг номига кредит олиб беришини айтиб, фуқаролик паспортини олиб кетгани, кредит ҳужжатлари тайёр бўлганидан сўнг “Янгиқўрғон Бобур Чорвадори ” фермер хўжалиги молхонасига олиб бориб, 2 бош қорамол билан расмга тушиб бергани, қорамолларни Б.Қирғизов олиб кетгани, сўнг Б.Қирғизов уни АТБ “Микрокредбанк” Чортоқ филиалига келиб, ҳужжатларга имзо қўйиб беришини айтгани учун банкка бориб, кредит ҳужжатларини имзолаб бергани, унинг номига 26,4 млн. сўм чорвачилик йўналишида имтиёзли кредит ажратилгани, 2021 йилнинг март ойларида банк ходимлари келиб, кредит қарздорлигини тўлаши кераклигини айтишгани, лекин у қорамолларни Б.Қирғизов олиб кетиб, қайтариб бермаганини айтиб, кредит қарздорлигини тўламагани, кредит ҳужжатларини Б.Қирғизов расмийлаштиргани, айнан қайси ҳужжатларга имзо қўйганини ҳам билмаслиги, ҳозирга қадар етказилган зарар қопланмагани, судланувчидан унга етказилган зарарни ундириб бериш ҳақидаги кўрсатуви билан;

жабрланувчи С.Абдурахимовани суд мажлисидаги, 2019 йилда сентябрь ойида қизи Ш.Тешабоевага қўшниси Б.Қирғизов номига кредит олиб беришлигини илтимос қилгани сабабли, Ш.Тешабоева рози бўлиб, фуқаролик паспортини бергани, Б.Қирғизов Ш.Тешабоевани номига 21.056.000 сўмлик икки бош қорамолларни маҳалласида жойлашган “Боғистон мега агро экспорт” МЧЖдан олиб, молларни Б.Қирғизов ўзида олиб қолгани, лекин бир йилдан сўнг яшаш хонадонига банк ходимлари келишганидан сўнг Б.Қирғизов кредит қарздорлигини тўламаётганини билгани, ҳозирга қадар етказилган зарар қопланмагани, судланувчидан унга етказилган зарарни ундириб бериш ҳақидаги кўрсатуви билан;

жабрланувчи Х.Қобуловни суд мажлисидаги, Б.Қирғизов маҳалладоши экани, 2019 йилда Б.Қирғизов унга номига кредит олиб бериб туриши, кредит тўловларини ўзи ўз вақтида тўлаб беришини айтиб, фуқаролик паспортини олиб кетгани, кредит ҳужжатлари тайёр бўлганидан сўнг Б.Қирғизов уни АТБ “Микрокредитбанк” Чортоқ филиалига олиб бориб, ҳужжатларга имзо қўйдиргани, сўнг уни “Мухамадли Зулфиябону Файзрахмон” фермер хўжалигига бориб, у ерда куёнлар билан расмга туширгани, шундан сўнг ўз ишлари билан машғул бўлгани, бир йилдан сўнг банк ходимлари яшаш



хонадонига келишганидан сўнггина 27.000.000 сўм қуёнчилик йўналишида кредит ажратилгани, ҳозирга қадар етказилган зарар қопланмагани, судланувчидан унга етказилган зарарни ундириб бериш ҳақидаги кўрсатуви билан;

жабрланувчи Г.Дадахўжаевани суд мажлисидаги, 2019 йилда Б.Қирғизов унга номига кредит олиб бериши, кредит қарздорлигини ўзи ўз вақтида тўлашини айтиб, фуқаролик паспортини олиб кетгани, сўнг у уни номига ҳужжатларни тайёрлаб, АТБ “Микрокредитбанк” Чортоқ филиалига олиб боргани ва у ерда тегишли ҳужжатларга имзо қўйиб бергани, сўнг Б.Қирғизов уни “The Silk Road Trade” МЧЖга олиб боргани ва асалари уялари билан расмга туширтиргани, лекин асалари олмагани, кейинчалик унинг номига АТБ “Микрокредитбанк” Чортоқ филиали “The Silk Road Trade” МЧЖ орқали 24.500.000 сўм кредит ажратилганини билгани, лекин Б.Қирғизов ҳозирга қадар кредит қарздорлигини тўламагани, ҳозирга қадар етказилган зарар қопланмагани, судланувчидан етказилган зарарни ундириб бериш ҳақидаги кўрсатуви билан;

жабрланувчи Х.Отахўжаевни суд мажлисидаги, 2018 йилнинг сентябрь ойида Б.Қирғизов унга номига кредит олиб бериши, кредит қарздорлигини ўзи ўз вақтида тўлашини айтиб, фуқаролик паспортини олиб кетгани, сўнг у уни номига ҳужжатларни тайёрлаб, АТБ “Микрокредитбанк” Чортоқ филиалига олиб боргани ва у ерда тегишли ҳужжатларга имзо қўйиб бергани, сўнг Б.Қирғизов уни “Янгиқўрғон Бобур Чорвадори” фермер хўжалигига қарашли молхонага олиб боргани ва қорамоллар билан расмга туширтиргани, лекин қорамол олмагани, кейинчалик унинг номига АТБ “Микрокредитбанк” Чортоқ филиали “Янгиқўрғон Бобур Чорвадори” МЧЖ орқали 16.800.000 сўм кредит ажратилганини билгани, лекин Б.Қирғизов ҳозирга қадар кредит қарздорлигини тўламагани, ҳозирга қадар етказилган зарар қопланмагани, судланувчидан етказилган зарарни ундириб бериш ҳақидаги кўрсатуви билан;

жабрланувчи Г.Чиналиевани суд мажлисидаги, 2019 йилнинг сентябрь ойида Б.Қирғизов унга унинг номига кредит олиб туриши, кредит қарздорлигини ўзи ўз вақтида тўлаб боришини айтиб, фуқаролик паспортини олиб кетгани, кредит ҳужжатлари тайёр бўлганидан сўнг Б.Қирғизов уни АТБ “Микрокредитбанк” Чортоқ филиалига олиб бориб, кредит ҳужжатларига имзо қўйдириб, “Боғистон мега агро экспорт” МЧЖ билан шартнома имзолагани, сўнг “Боғистон мега агро саноат” МЧЖга қарашли молхонадан икки бош қорамолларни олиб, қорамоллар билан расмга ҳам тушиб бергани, молхонадан ташқарига чиқиб, қорамолларни Б.Қирғизовга бериб юборгани, бир йилдан сўнг банк ходимлари яшаш хонадонига келишганидан сўнггина Б.Қирғизов унинг номига ажратилган кредит қарздорлигини тўламай келаётгани, унинг номига 2019 йил 20 сентябрь куни 25,3 млн. сўм кредит ажратилганини билгани, ҳозирда қадар етказилган зарар қопланмагани, судланувчидан унга етказилган зарарни ундириб бериш ҳақидаги кўрсатуви билан;

жабрланувчи У.Исмоиловани суд мажлисидаги, 2019 йилнинг декабрь ойида Б.Қирғизов унга номига кредит олиб бериши, кредит қарздорлигини ўзи



ўз вақтида тўлашини айтиб, фуқаролик паспортини олиб кетгани, сўнг у уни номига ҳужжатларни тайёрлаб, АТБ “Микрокредитбанк” Чортоқ филиалига олиб боргани ва у ерда тегишли ҳужжатларга имзо қўйиб бергани, сўнг Б.Қирғизов уни “Янгиқўрғон Бобур Чорвадори” фермер хўжалигига қарашли молхонага олиб боргани ва қорамоллар билан расмга туширтгани, лекин қорамол олмагани, қорамолларни Б.Қирғизов олиб кетгани, кейинчалик унинг номига АТБ “Микрокредитбанк” Чортоқ филиали “Янгиқўрғон Бобур Чорвадори” МЧЖ орқали 2019 йил 10 декабрда 28.700.000 сўм кредит ажратилганини билгани, лекин Б.Қирғизов ҳозирга қадар кредит қарздорлигини тўламагани, ҳозирга қадар етказилган зарар қопланмагани, судланувчидан етказилган зарарни ундириб бериш ҳақидаги кўрсатуви билан;

жабрланувчи С.Улуғхўжаевни суд мажлисидаги, 2021 йилда таниши Б.Қирғизов унга номига кредит олиб бериб туриши, кредит қарздорлигини ўзи ўз вақтида тўлаб боришини айтиб, фуқаролик паспортини олиб кетгани, Б.Қирғизов кредит ҳужжатларини тайёрлаганидан сўнг уни АТБ “Микрокредитбанк” Чортоқ филиалига олиб бориб, кредит ҳужжатларига имзо қўйдиргани, сўнгра Б.Қирғизовнинг молхонасига бориб, қуёнлари билан расмга тушгани, лекин қуён олмагани, қуёнлар Б.Қирғизовни ўзида қолгани, бир йилдан сўнг банк ходимлари яшаш хонадонига келишганидан сўнггина унинг номига кредит ажратилгани, лекин кредит қарздорлиги тўланмаётганини билгани, ҳозирга қадар етказилган зарар қопланмагани, судланувчидан унга етказилган зарарни ундириб бериш ҳақидаги кўрсатуви билан;

жабрланувчи Қ.Тўраевани суд мажлисидаги, 2019 йилнинг июль ойида Б.Қирғизов унга номига кредит олиб бериши, кредит қарздорлигини ўзи ўз вақтида тўлашини айтиб, фуқаролик паспортини олиб кетгани, сўнг у уни номига ҳужжатларни тайёрлаб, АТБ “Микрокредитбанк” Чортоқ филиалига олиб боргани ва у ерда тегишли ҳужжатларга имзо қўйиб бергани, сўнг Б.Қирғизов уни “The Silk Road Trade” МЧЖга олиб боргани ва асалари уялари билан расмга туширтгани, лекин асалари олмагани, кейинчалик унинг номига АТБ “Микрокредитбанк” Чортоқ филиали “The Silk Road Trade” МЧЖ орқали 26.700.000 сўм кредит ажратилганини билгани, лекин Б.Қирғизов ҳозирга қадар кредит қарздорлигини тўламагани, 2019 йилнинг апрель ойида таниши Б.Қирғизов номига кредит олиб бериб туришини айтиб, фуқаролик паспортини тайёрлаб, кредит ҳужжатлари тайёр бўлганидан сўнг уни АТБ “Микрокредитбанк” Чортоқ филиалига бориб, имзолаб бергани, сўнг Б.Қирғизов билан бирга “The Silk Road Trade” МЧЖга боришгани ва у ерда асалари ва асалари уялари билан бирга расмга тушиб, маҳсулотларни Б.Қирғизовга бериб, яшаш хонадонига кетгани, бир йилдан сўнг банк ходимлари яшаш хонадонига келишганидан сўнггина 2019 йил 17 майда АТБ “Микрокредитбанк” Чортоқ филиалидан асаларичилик йўналишида 26.700.000 сўм имтиёзли кредит ажратилиб, “The Silk Road Trade” МЧЖ ҳисоб рақамига ўтказиб берилганини билгани, Б.Қирғизов унинг номига олган кредитдан ташқари, фарзадлари З.Ахмедовнинг номига 2020 йил 23 июнда АТБ “Микрокредитбанк” Чортоқ филиалидан қуёнчилик йўналишида 27,5 млн. сўм,



Қ.Ахмедов номига 2020 йил 29 мартда 27,0 млн. сўм, келини М.Ахмедовани номига 2020 йил 29 июнда 27,7 млн. сўм кредит олиб, кредит қарздорликларини тўламасдан келаётгани, ҳозирга қадар етказилган зарар қопланмагани, судланувчидан унга етказилган зарарни ундириб бериш ҳақидаги кўрсатуви билан;

жабрланувчи Д.Жамаловни суд мажлисидаги, 2021 йилда Б.Қирғизов унга номига кредит олиб бериб туриши, кредит қарздорлигини ўзи ўз вақтида тўлаб боришини айтиб, фуқаролик паспортини олиб кетгани, Б.Қирғизов кредит ҳужжатларини тайёрлаганидан сўнг уни АТБ “Микрокредитбанк” Чортоқ филиалига олиб бориб, кредит ҳужжатларига имзо қўйдиргани, сўнгра Б.Қирғизовнинг молхонасига бориб, қуёнлари билан расмга тушгани, лекин қуён олмагани, қуёнлар Б.Қирғизовни ўзида қолгани, бир йилдан сўнг банк ходимлари яшаш хонадонига келишганидан сўнггина унинг номига кредит ажратилгани, лекин кредит қарздорлиги тўланмаётганини билгани, ҳозирга қадар етказилган зарар қопланмагани, судланувчидан унга етказилган зарарни ундириб бериш ҳақидаги кўрсатуви билан;

жабрланувчининг қонуний вакили С.Пошшаевни суд мажлисидаги, жабрланувчи Ж.Яхаев ўғли бўлши, 2021 йилда махалладоши Б.Қирғизов унга ўғлини номига кредит олиб беришни, ҳеч қандай муаммо бўлмаслигини ваъда қилгани сабабли рози бўлиб, ўғлини фуқаролик паспортини бергани, орадан бир неча кун ўтганидан сўнг Б.Қирғизов кредит ҳужжатларни тайёрлаб, ўғлини банкка чақиргани, ўғли АТБ Микрокредитбанк Чортоқ филиалига бориб имзо қўйиб бергани, шундан сўнг Янгиқўрғон туманига бориб, у ерда асалари олиш бўйича нотаниш бўлган шахс билан шартнома тузиб шартномани имзолаб бергани, орадан бир неча кун ўтганидан сўнг Б.Қирғизов яшаш хонадонига асалариларни олиб келгани, уни ортидан банк ходимлари келиб, ўғлини асалари инларини олдида фотосуртга олиб кетгани, банк ходимлари кетганидан сўнг Б.Қирғизов асалариларни олиб кетгани, шундан сўнг АТБ “Микрокредитбанк” Чортоқ филиалидан ўғлини номига 25.500.000 сўм миқдордаги кредит ажратилгани, орадан бир неча ой ўтганидан сўнг банк ходимлари келиб, ўғлини номига ажратилган кредитларни тўланмаётганини айтишгани, бу ҳақда Б.Қирғизовга айтганида, кредит қарзини тўлаб қўйишини айтиб алдаб келгани, ҳозирга қадар кредит маблағи тўлиқ тўланмагани, шу сабабли кредит маблағини судланувчидан ундириб, банкдан қарздорликни сўндиришни сўраб берган кўрсатуви билан;

жабрланувчи Ш.Умаралиевани суд мажлисидаги, 2020 йилда Б.Қирғизов унга номига кредит олиб бериб туриши, кредит қарздорлигини ўзи ўз вақтида тўлаб боришини айтиб, фуқаролик паспортини олиб кетгани, Б.Қирғизов кредит ҳужжатларини тайёрлаганидан сўнг уни АТБ “Микрокредитбанк” Чортоқ филиалига олиб бориб, кредит ҳужжатларига имзо қўйдиргани, сўнгра Б.Қирғизовнинг молхонасига бориб, қуёнлари билан расмга тушгани, лекин қуён олмагани, қуёнлар Б.Қирғизовни ўзида қолгани, бир йилдан сўнг банк ходимлари яшаш хонадонига келишганидан сўнггина унинг номига 24.500.000 сўм кредит ажратилгани, кредит қарздорлигини Б.Қирғизов тўламаётганини



билгани, ҳозирга қадар етказилган зарар қопланмагани, судланувчидан унга етказилган зарарни ундириб бериш ҳақидаги кўрсатуви билан;

жабрланувчи Д.Каримовани суд мажлисидаги, 2019 йилнинг сентябрь ойида Б.Қирғизов унга унинг номига кредит олиб туриши, кредит қарздорлигини ўзи ўз вақтида тўлаб боришини айтиб, фуқаролик паспортини олиб кетгани, кредит ҳужжатлари тайёр бўлганидан сўнг Б.Қирғизов уни АТБ “Микрокредитбанк” Чортоқ филиалига олиб бориб, кредит ҳужжатларига имзо қўйдириб, “Боғистон мега агро экспорт” МЧЖ билан шартнома имзолагани, сўнг “Боғистон мега агро саноат” МЧЖга қарашли молхонадан икки бош қорамолларни олиб, қорамоллар билан расмга ҳам тушиб бергани, молхонадан ташқарига чиқиб, қорамолларни Б.Қирғизовга бериб юборгани, бир йилдан сўнг банк ходимлари яшаш хонадонига келишганидан сўнггина Б.Қирғизов унинг номига ажратилган кредит қарздорлигини тўламай келаётгани, унинг номига 2019 йил 20 сентябрь куни 22,0 млн. сўм кредит ажратилганини билгани, ҳозирда қадар етказилган зарар қопланмагани, судланувчидан унга етказилган зарарни ундириб бериш ҳақидаги кўрсатуви билан;

жабрланувчи Н.Тошхўжаевани суд мажлисидаги, 2021 йилнинг бошларида қўшниси Б.Қирғизовга кредит олишда ёрдам сўрагани, Б.Қирғизов унга ёрдам беришини айтиб, фуқаролик паспортини олиб кетгани, 3-4 кундан сўнг Б.Қирғизов унга кредит ҳужжатлари тайёр бўлганини айтиб, уни АТБ “Микрокредитбанк” Чортоқ филиалига олиб бориб, кредит ҳужжатларига имзо қўйдиргани, лекин Б.Қирғизов кредит чикмаётганини айтиб, турли хил баҳоналар билан алдаб келгани, банк ходимлари яшаш хонадонига келиб, кредит қарздорлигини тўлаб қўйишини айтишганидан сўнггина унинг номига 2021 йил 15 январда чорвачилик йўналишида 17,3 млн. сўм кредит ажратилиб, “Қирғизов Тўхтасин” фермер хўжалиги ҳисоб рақамига ўтказиб берилгани, Б.Қирғизовга ушбу ҳақида айтганида Б.Қирғизов кредит қарздорлигини ўзи тўлашини, муаммо бўлмаслигини айтгани, лекин ҳозирга қадар кредит қарздорлиги тўланмагани, судланувчидан унга етказилган моддий зарарни ундириб бериш ҳақидаги кўрсатуви билан;

жабрланувчи З.Жамаловани суд мажлисидаги, 2020 йил декабрь ойида турмуш ўртоғи Ғ.Жамаловга махалладоши Б.Қирғизов номига кредит олиб беришини, кредит қарздорлигини ўзи ўз вақтида тўлаши, муаммо бўлмаслигини айтгани сабабли турмуш ўртоғи рози бўлгани ва унинг номига 24.500.000 сўм чорвачилик йўналиши бўйича кредит ажратилгани, лекин ажратилган кредит эвазига маҳсулот ёки моддий қимматлик олишмагани, Б.Қирғизов ҳозирга қадар кредит қарздорлигини тўламасдан келаётгани, судланувчидан етказилган зарарни ундириб бериш ҳақидаги кўрсатуви билан;

жабрланувчи А.Юсуповни суд мажлисидаги, Д.Оббосхўжаева қизи эвани, 2021 йилда Б.Қирғизов Д.Оббосхўжаевага номига кредит олиб туриши, кредитни ўзи ўз вақтида тўлашини айтгани учун рози бўлиб, фуқаролик паспортини бериб юборгани, сўнг кредит ҳужжатлари тайёр бўлганидан сўнг Б.Қирғизов Д.Оббосхўжаевани АТБ “Микрокредитбанк” Чортоқ филиалига олиб бориб, кредит ҳужжатларига имзо қўйдиргани, лекин мазкур кредит



хисобидан маҳсулот ёки моддий қимматлик олмагани, банк ходимлари яшаш хонадонига кредит қарздорлигини тўлаб қўйишини айтишганидан сўнггина Б.Қирғизов қизи Д.Оббосхўжаевани номига 2021 йилнинг март ойида 27.000.000 сўм ажратилган кредитни ўзини фермер хўжалиги ҳисоб рақамига ўтказгани, лекин кредитни тўламаётганини билгани, ҳозирга қадар етказилган зарар қопланмагани, судланувчидан унга етказилган моддий зарарни ундириб бериш ҳақидаги кўрсатуви билан;

жабрланувчи М.Умаровани суд мажлисидаги, 2019 йилнинг октябрь ойида Б.Қирғизов унга номига кредит олиб бериши, кредит тўловини ўзи ўз вақтида тўлашини айтиб, фуқаролик паспортини олиб кетгани, кредит ҳужжатлари тайёр бўлганидан сўнг Б.Қирғизов уни АТБ “Микрокредитбанк” Чортоқ филиалига олиб бориб, кредит ҳужжатларига имзо қўйдиргани, сўнг “Янгиқўрғон Бобур Чорвадори” МЧЖга бориб, 28.860.000 сўмлик икки бош қорамол билан расмга тушиб бергани, молларни молхонадан чиқишганидан сўнг Б.Қирғизов ўзида олиб қолгани, лекин бир йилдан сўнг банк ходимлари яшаш хонадонига келишганидан сўнг Б.Қирғизова унинг номига ажратилган кредитни тўламай келаётганини билгани, ҳозирга қадар етказилган зарар қопланмагани, судланувчидан етказилган зарарни ундириб бериш ҳақидаги кўрсатуви билан;

жабрланувчи Ш.Умархановани суд мажлисидаги, 2020 йилнинг июль ойида турмуш ўртоғи Собитхон махалладоши Б.Қирғизов номига кредит олиб беришини, кредит қарздорлигини ўзи ўз вақтида тўлаши, муаммо бўлмаслигини айтгани сабабли турмуш ўртоғи рози бўлгани ва унинг номига 24.800.000 сўм иссиқхона йўналиши бўйича кредит ажратилгани, яшаш хонадонига иссиқхона қурилгани, лекин иссиқхона олдида расмга тушганидан сўнг Б.Қирғизов иссиқхонани олиб кетгани, лекин ажратилган кредит эвазига маҳсулот ёки моддий қимматлик олишмагани, Б.Қирғизов ҳозирга қадар кредит қарздорлигини тўламасдан келаётгани, судланувчидан етказилган зарарни ундириб бериш ҳақидаги кўрсатуви билан;

гувоҳ И.Юсуповни суд мажлисидаги, АТБ “Микрокредитбанк” Чортоқ филиалида юристконсулт вазифасида 2021 йилнинг февраль ойидан буён ишлаб келиши, АТБ “Микрокредитбанк” Чортоқ филиали томонидан фуқароларга ажратилган имтиёзли кредит маблағларининг мақсадли сарфланиши юзасидан ўтказилган текширишда Б.Қирғизов томонидан 46 нафар фуқароларга қуёнчилик, асаларичилик ҳамда чорвачилик йўналишида ажратилган кредит маблағларини ўзи тўлаб юриш шарти билан ўзлаштириб, маълум вақт давомида кредит учун ҳисобланган асосий ва фоиз қарздорликларини тўлаб келиб, кейинчалик кредит учун тўловларни амалга оширмаганлиги оқибатида кредит тўловларидан қарздорлик юзага келгани, филиал томонидан 46 нафар фуқароларга ажратилган кредитларнинг мақсадли сарфланиши ва ўзлаштирилиши ўрганилганда, фуқароларга ажратилган кредит маблағлари учун улар томонидан тўловлар амалга оширилмагани оқибатида муаммоли кредитлар ҳисобланиб, ундириш мақсадида фуқаронинг яшаш манзилига борилганида, кредит ажратилган фуқаролар томонидан ушбу кредит



маблағларини Б.Қирғизов ўзи тўлаб юриш шарти билан уларнинг номига олиб, фойдаланиб келгани, Б.Қирғизов дастлаб кредит учун ҳисобланган тўловларни амалга оширган бўлса-да, ҳозирда тўламасдан келаётганини билдиришиб, кредит ажратилган фуқаролар томонидан тўловларни амалга оширишдан бош тортишганида хабардор бўлгани ҳақидаги кўрсатуви билан;

гувоҳ И.Аббасовни суд мажлисидаги, АТБ “Микрокредитбанк” Чортоқ филиалида 2009 йилдан 2021 йилнинг октябр ойига қадар ишлагани, филиал раҳбари бўлиб ишлаб вақтида Д.Оббосхўжаевага 27,0 млн. сўм, И.Юсуповага 27,0 млн. сўм, И.Бойдедаевга 26,0 млн. сўм қуёнчилик йўналишида имтиёзли кредит маблағлари ажратилиб, “Ҳалол гўшт экспорт импорт” МЧЖ ҳисоб рақамига ўтказиб берилгани, фуқароларга ажратилган имтиёзли кредит маблағларининг ажратилиши ва мақсадли сарфланиши ўрганилганда, ушбу фуқаролар томонидан уларга ажратилган имтиёзли кредит маблағларини мақсадсиз сарфланиб, тўловларни амалга оширмасдан келишлари натижасида ажратилган кредит маблағларидан қарздорлик юзага келгани, ўрганишлар давомида филиал раҳбари вазифасида ишлаб келган даврида ушбу фуқароларга ажратилган жами 80,0 млн. сўм имтиёзли кредит маблағлари ҳисобидан таъминотчи корхона раҳбари Б.Қирғизов томонидан маҳсулот етказиб берилмасдан, фуқароларга ажратилган кредит маблағларидан Б.Қирғизовнинг ўзи нақдлаштириб, кредит учун тўловларни амалга оширмагани аниқлангани, кредит ҳужжатларини расмийлаштириш даврида эса фуқаролар томонидан кредит ажратилиши билан боғлиқ ҳужжатларни шахсан ўзлари томонидан имзолаб берилгани, кредит ҳужжатлари тўлиқ бўлиб, фуқароларга маҳсулот етказиб берилгани ҳақидаги ҳужжатлар илова қилинганидан сўнггина кредит маблағлари таъминотчи корхонага ўтказиб берилгани ҳақидаги кўрсатуви билан;

гувоҳ А.Шариповни суд мажлисидаги, “The Silk Road Trade” МЧЖ раҳбари экани, МЧЖ 2022 йилнинг декабрь ойида фаолиятини тугатгани, жамиятнинг асосий фаолият тури асараричилик йўналишида таъминотчилик фаолияти билан шуғуллангани, фуқароларга асалари уяси ва оилаларини етказиб бергани, жамият томонидан асараричилик йўналишида Г.Дадахўжаевага 24,5 млн. сўм, А.Дехқановга 24,5 млн. сўм, З.Қирғизовага 25,4 млн. сўм, Т.Қозақовга 23,6 млн. сўм ва Қ.Тўраевага 26,7 млн. сўм ажратилган имтиёзли кредит маблағлари ҳисобидан фуқароларга асалари уялари етказиб бергани, ажратилган кредит маблағлари ҳисобидан маҳсулот етказиб бериш билан боғлиқ шартномаларни жамият раҳбари номидан у имзолагани, ҳисоб варақ шартномаларини имзолагани, имтиёзли кредит маблағлари ҳисобидан фуқаролар шахсан ўзлари томонидан асалари уяларини олиб кетилгани, асалари уяларини олиб кетишгаётган вақтларида буни тасдиқлаб расмийлаштирилган ҳисоб-варақ фактураларни ҳам ўзлари томонидан имзолагани ҳамда фотосуратга тушиб беришгани, фуқаролар томонидан уларга ажратилаётган имтиёзли кредит маблағлари ҳисобидан маҳсулот олиш учун Б.Қирғизов билан бирга келишгани, лекин шартномани фуқаролар билан тузгани, лекин ўтказилган текширишда фуқароларга ажратилган кредитлар мақсадсиз деб



топилгани, Б.Қирғизов фуқароларга бериб юборган асалари ва асалари уяларини ўзи олиб, кредит маблағларини тўламагани аниқлангани ҳақидаги кўрсатуви билан;

бундан ташқари, АТБ “Микрокредитбанк” Чортоқ филиали томонидан имтиёзли кредит маблағларини ажратилишининг қонунийлигини ўрганиш якуни бўйича маълумотнома (ж.и 1-жилд 15-170 и.в), ўз айбига иқдорлик аризаси (ж.и 1-жилд 173-176 и.в), кредит ажратилиши билан боғлиқ кредит йиғма жилдлари (ж.и 7-жилд 32-55 и.в), мониторинг далдолатномалари ҳамда жабрланувчи ва гувоҳларнинг дастлабки терговдаги кўрсатувлари, ашёвий далиллар ҳамда жиноят ишида тўпланган ва суд мажлисида текширилган бошқа далиллар мажмуи билан исботланган деб топади.

Дастлабки тергов органи томонидан судланувчи Б.Қирғизовнинг “QIRG‘IZOV TO‘XTASIN” фермер хўжалиги раҳбари ҳамда “HALOL GO‘SHT EKSPORT” МЧЖ раҳбари сифатида фаолият юритиб келиб, мансабдор шахс бўлгани ҳолда, мансаб мавқеини суиистеъмол қилиб, фуқаро С.Бузруковни номига ажратилган 26.775.000 сўм, Н.Тошхўжаевани номига ажратилган 17.395.000 сўм, М.Қозақовани номига ажратилган 24.500.000 сўм, И.Юсуповани номига ажратилган 27.000.000 сўм, Х.Қобуловни номига ажратилган 27.000.000 сўм, М.Қодировни номига ажратилган 27.300.000 сўм, Д.Қирғизовани номига ажратилган 25.200.000 сўм, Ш.Оқилхоновни номига ажратилган 27.000.000 сўм, З.Турсуновани номига ажратилган 27.900.000 сўм, Ғ.Жамаловни номига ажратилган 24.500.000 сўм, Д.Оббосхўжаевани номига ажратилган 27.000.000 сўм, Д.Қирғизовани номига ажратилган 24.900.000 сўм, С.Улуғхўжаевни номига ажратилган 28.100.000 сўм, Ш.Жамаловни номига ажратилган 26.796.000 сўм, Д.Жамаловни номига ажратилган 26.796.000 сўм, А.Махамдалиевни номига ажратилган 27.000.000 сўм, М.Ахметовни номига ажратилган 27.700.000 сўм, З.Ахметовни номига ажратилган 27.500.000 сўм, Қ.Ахмедовни номига ажратилган 27.000.000 сўм, С.Ярашевани номига ажратилган 24.500.000 сўм, Ш.Умаралиевани номига ажратилган 24.500.000 сўм, Д.Боймирзаевни номига ажратилган 24.500.000 сўм АТБ “Микрокредитбанк” Чортоқ филиалининг жуда кўп миқдордаги кредит маблағларини ўзлаштириш йўли билан талон-торож қилганликда ифодаланган жиноий ҳаракатлари Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 167-моддаси 3-қисми “а” банди билан;

фуқаролар З.Канаевни 12.000.000 сўм, Н.Пошшаевани 21.970.000 сўм, М.Умаровани 28.860.000 сўм, Д.Умаралиевани 26.422.000 сўм, М.Холбоевани 25.116.000 сўм, Ф.Дадахўжаевани 26.376.000 сўм, Ш.Тешабоевани 21.056.000 сўм, Ф.Қирғизовани 22.540.000 сўм, Р.Канаевани 14.880.000 сўм, Д.Каримова 22.008.000 сўм, Т.Қозақовни 23.600.000 сўм, Г.Дадахўжаевани 24.544.000 сўм, Х.Отахўжаевни 16.824.000 сўм, Г.Чиналиева 25.368.000 сўм, У.Исмаиловани 28.730.000 сўм, Қ.Тўраевани 26.712.000 сўм, З.Қирғизовани 25.488.000 сўм, А.Дехқановни 24.544.000 сўм, Ж.Яхяевни 25.500.000 сўм, Ж.Қобулова 27.496.000 сўм, Т.Қозақовни 28.028.000 сўм, Р.Исахўжаевни 25.600.000 сўм, Ш.Умархановани 24.800.000 сўмлик мол-мулкларини фирибгарлик йўли билан қўлга киритганликда ифодаланган жиноий ҳаракатлари Ўзбекистон



Республикаси ЖКнинг 168-моддаси 3-қисми “б” банди билан тўғри квалификация қилинган.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2023 йил 23 июндаги “Фирибгарликка оид ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисида”ги Қарори 7-бандида “Мулкни эгаллашга қаратилган фирибгарлик, мазкур мулк айбдор ёки бошқа шахсларнинг ғайриқонуний эгаллигига ўтган ва улар ундан хоҳлаган тарзда фойдаланиш ёки тасарруф этиш реал имкониятига эга бўлган пайтдан тугалланган деб топилади” деб кўрсатилган.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2018 йил 24 августдаги “Далиллар мақбуллигига оид жиноят-процессуал қонуни нормаларини қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида”ги қарорида далилларнинг мақбуллигига қўйиладиган шартлар ҳамда далилларни номақбул деб топиш асослари юзасидан тушунтиришлар берилган.

Суд, ишдаги судланувчи Б.Қирғизовни айблаш учун асос сифатида олинган далилларни тўплаш ва процессуал ҳаракатларни ўтказишга оид қоидалар ҳамда тартиблар юқорида кайд этилган Пленум қарори тушунтиришларига риоя қилинган ҳолда амалга оширилган бўлиб, далиллар мақбуллигига тааллуқли шартларнинг бирон-бир талаби бузилмаган, уларни номақбул деб топиш учун асослар мавжуд эмас деб ҳисоблайди.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги 1-сонли Қарорининг 1-бандида “Судларнинг эътибори жиноят учун жазо тайинлашда қонунийлик, инсонпарварлик, одиллик ва жавобгарликнинг муқаррарлиги принципларига қатъий амал қилишга қаратилсин” деб, 3-бандида “Жиноят кодексининг 8, 54-моддалари мазмунига кўра, жазо адолатли бўлиши - ҳар бир ҳолатда индивидуал тайинланиши, жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасига, айбдорнинг шахсига, шунингдек, жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларга мувофиқ бўлиши керак” деб, 4-бандида “Қонун тайинланадиган жазо тури ва меъёрини айбдорнинг шахсини тавсифловчи объектив ва ижтимоий омиллар билан боғлиқ қилиб қўйганлиги туфайли судлар жиноят ишларини кўриб чиқиш пайтида мазкур ҳолатларни аниқлашлари шарт” деб, 42-бандида “Агар жиноий қилмиш квалификация қилинаётган қонунда қўшимча жазо мажбурий тарзда тайинланиши белгиланган бўлса, уни фақат ЖКнинг 57-моддасида назарда тутилган ҳоллар мавжуд бўлганда қўлламаслик мумкин бўлиб, бундай қарор ушбу моддага ҳавола қилинган ҳолда ҳукмда асосланрилиши лозим” деб кўрсатиб ўтилган.

Шу билан бирга, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2014 йил 23 майдаги “Суд ҳукми тўғрисида”ги қарорининг 28-бандида “Судларнинг эътибори, ҳукм чиқаришда уларнинг жазо тайинлашнинг умумий асослари тўғрисидаги қонун талабларига оғишмай риоя қилиш шартлиги, жиноят қонунининг асосий тамойилларидан бири инсонпарварлик тамойили эканлиги ва унинг мазмунига кўра жиноят содир этган шахсга нисбатан у ахлоқан тузалиши ва янги жиноят содир этишининг олдини олиш учун зарур



хамда етарли бўладиган жазо ёки бошқа ҳуқуқий таъсир чораси қўлланилиши кераклигига қаратилиши лозим”лиги ҳақида тушунтириш берилган.

Суд, юқоридаги Пленум қарорлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 54, 55 ва 56-моддалари талабларига риоя қилиб, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги 1-сонли “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги қарорининг раҳбарий кўрсатмаларидан келиб чиқиб, Б.Қирғизовга нисбатан жазо тури ва меъёрини тайинлашда унинг айбига иқрорлигини, қилмишидан чин кўнгилдан пушаймонлигини жазони енгиллаштирувчи ҳолатлар деб, етказилган моддий зарар қопланмаганлигини, жиноятни ғаразли мақсадларда содир этганини жазони оғирлаштирувчи ҳолатлар деб топиб, у айбли деб топилаётган ЖКнинг 167-моддаси 3-қисми билан санкция доирасида озодликдан маҳрум қилиш жазоси, ЖКнинг 168-моддаси 3-қисми билан озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланганда кўшимча жазо мажбурий тарзда тайинланиши белгиланган бўлса-да, суд судланувчи Б.Қирғизов тадбиркорлик субъекти бўлгани сабабли унга нисбатан ЖКнинг 57-моддасини қўллаб, қонунда белгиланган муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш жазосини қўлламаган ҳолда озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинлашни, ЖКнинг 59-моддаси тартибида, жазоларни қисман кўшиб ўташ учун узил-кесил озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинлашни, ЖКнинг 59-моддаси 8-қисми тартибида, жиноят ишлари бўйича Чортоқ туман судининг 2022 йил 21 ноябрдаги ҳукмига кўра тайинланган 8 йил 6 ой озодликдан маҳрум қилиш жазосини қисман кўшиб ўташ учун узил-кесил озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинлашни, тайинланган озодликдан маҳрум қилиш жазосини ЖКнинг 50-моддаси 7-қисми “б” бандига асосан умумий тартибли колонияларда ўтатиришни лозим деб топди.

Шунингдек, суд етказилган зарар масаласини муҳокама қилиб, судланувчи Б.Қирғизовдан жабрланувчи З.Канаевага 4.640.000 сўм, Н.Пошшаевага 11.045.000 сўм, М.Умаровага 17.866.000 сўм, Д.Умаралиевага 13.291.000 сўм, М.Холбаевага 9.209.000 сўм, Ф.Дедахўжаевага 14.581.000 сўм, Ш.Тешабоевага 10.574.000 сўм, Ф.Қирғизовга 13.774.000 сўм, Р.Канаевага 6.251.000 сўм, Д.Каримовага 11.062.000 сўм, Т.Қозақовга 14.725.000 сўм, Г.Дедахўжаевага 11.284.000 сўм, Х.Отахўжаевга 7.082.000 сўм, Г.Чиналиевага 12.751.000 сўм, У.Исмаиловага 19.153.000 сўм, Қ.Тўраевага 17.905.000 сўм, З.Қирғизовага 20.231.000 сўм, А.Дехқановга 9.255.000 сўм, Ж.Яхяевга 20.400.000 сўм, Ж.Қобуловага 13.820.000 сўм, Т.Қозақовга 23.222.000 сўм, Р.Исахўжаевга 25.599.000 сўм, Ш.Умархановага 22.320.000 сўм моддий зарарни ундиришни;

судланувчи Б.Қирғизовдан “Микрокредитбанк” АТБ Чортоқ филиали фойдасига 531.043.000 сўм моддий зарарни ундиришни;

-ашёвий далил тақдирини муҳокама қилиб, ашёвий далил сифатида эътироф этилиб ишга қўшилган, текшириш якуни бўйича тузилган маълумотномалар, кредит ажратилиши билан боғлиқ ҳужжатларни, ажратилган кредитлар йиғма жилдларининг аслини ҳамда бир дона DVD дискни жиноят



иши билан бирга сақлашни лозим деб топди.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодекси 211, 454-457, 460, 462-463, 465-468, 471-473-моддаларига амал қилиб, суд

Ҳ У К М Қ И Л А Д И:

Қирғизов Бахтиёр Сайдорифхужаевич Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 167-моддаси 3-қисми “а” банди ва 168-моддаси 3-қисми “б” бандида назарда тутилган жиноятларни содир этганликда айбли деб топилсин.

Қирғизов Бахтиёр Сайдорифхужаевичга;

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 167-моддаси 3-қисми “а” банди билан 5 (беш) йил озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинлансин.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 168-моддаси 3-қисми “б” банди билан ЖКнинг 57-моддасини қўллаб, 5 (беш) йил озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинлансин.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 59-моддаси тартибида, жазоларни қисман қўшиб ўташ учун узил-кесил 5 (беш) йил 1 (бир) ой озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинлансин.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 59-моддаси 8-қисми тартибида, жиноят ишлари бўйича Чортоқ туман судининг 2022 йил 21 ноябрдаги ҳукмига кўра тайинланган 8 йил 6 ой озодликдан маҳрум қилиш жазосини қисман қўшиб ўташ учун узил-кесил 8 (саккиз) йил 7 (етти) ой озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинлансин.

Қирғизов Бахтиёр Сайдорифхужаевичга тайинланган жазо муддати 2021 йил 16 декабрдан бошлаб ҳисобланиб, жазони умумий тартибли колонияларда ўтатирилсин.

Қирғизов Бахтиёр Сайдорифхужаевичга нисбатан қўлланилган қамокқа олиш тарзидаги эҳтиёт чораси ўзгаришсиз қолдирилсин.

Судланувчи Б.Қирғизовдан жабрланувчи З.Канаевга 4.640.000 сўм, Н.Пошшаевага 11.045.000 сўм, М.Умаровага 17.866.000 сўм, Д.Умаралиевага 13.291.000 сўм, М.Холбаевага 9.209.000 сўм, Ф.Дедахўжаевага 14.581.000 сўм, Ш.Тешабоевага 10.574.000 сўм, Ф.Қирғизовга 13.774.000 сўм, Р.Канаевага 6.251.000 сўм, Д.Каримовага 11.062.000 сўм, Т.Қозақовга 14.725.000 сўм, Г.Дедахўжаевага 11.284.000 сўм, Х.Отахўжаевга 7.082.000 сўм, Г.Чиналиевага 12.751.000 сўм, У.Исмаиловага 19.153.000 сўм, Қ.Тўраевага 17.905.000 сўм, З.Қирғизовага 20.231.000 сўм, А.Дехқановга 9.255.000 сўм, Ж.Яхьяевга 20.400.000 сўм, Ж.Қобуловага 13.820.000 сўм, Т.Қозақовга 23.222.000 сўм, Р.Исахўжаевга 25.599.000 сўм, Ш.Умархановага 22.320.000 сўм моддий зарар ундирилсин.

Судланувчи Б.Қирғизовдан “Микрокредитбанк” АТБ Чортоқ филиали фойдасига 531.043.000 сўм моддий зарар ундирилсин.

Ашёвий далил деб эътироф этилиб ишга қўшилган, текшириш якуни бўйича тузилган маълумотномалар, кредит ажратилиши билан боғлиқ хужжатлар, ажратилган кредитлар йиғма жилдларининг асли ҳамда бир дона DVD диск жиноят иши билан бирга сақлансин.

Ҳукмдан норози тарафлар ҳукм эълон қилинган кундан эътиборан



йигирма сутка ичида, судланувчи, жабрланувчилар ва фуқаровий даъвогар ҳукм нусхасини олган кундан эътиборан шу муддат ичида шу суд орқали апелляция тартибида Наманган вилоят судига шикоят беришлари ёки протест билдиришлари мумкин.

Раислик қилувчи:

имзо

И.Жаббаров

“Аслига тўғри”

Туман судининг раиси

И.Жаббаров

